

Бадназарлик қилувчи малъундир



10:59 / 28.11.2023 1940

Ҳадиси шарифда шундай дейилади:

لَا يَلِي لِرُؤُوسِنَّمْ لَأَوْ رِطَانِ لَأَهْلِ لِنَعْلٍ

«Назар солувчи ва назар солинган (яъни, ўзига номаҳрамлар назари тушишига имкон берган)ни Аллоҳ лаънатласин» (Мишкоти шариф).

Ясан-тусан қилиб, бепарда-беҳаё бўлиб кўчаларда, бозорларда кезиб юрадиган аёллар ва уларга оч кўз ила қарайдиган эркаклар ҳар иккиси Аллоҳ таолонинг лаънатига йўлиқадилар. Бу шу қадар катта зарарки, кўзи югурик одам бориб-бориб Аллоҳ таолонинг раҳматидан узоқлашади ва устига лаънатлар ёғилади. Шунинг учун ҳам вақт борида бадназарликка йўлиққанлар тезда тавба қилиши лозим. Яна, раҳмат эмас, лаънатлар ёғилиб турган пайтда ўлим келиб қолиб, ҳоли вой бўлмасин.

Бадназарликнинг салбий таъсири жуда кўп. Шулардан бири юзни нурсиз қилиб қўйишидир. Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай огоҳ этганлар:

مَكْرَهُوْهُ لَلْاِنَّ فِىْ سِكِّىْ لَوْ اَمْ كَجُوْرٍ نُّظْفَحَتْ لَوْ مَكْرَا صَبَّ اَنْضَعَتْ ل

«Сизлар нигоҳларингизни пастга қаратасиз ва фаржларингизни сақлайсиз ёки Аллоҳ таоло шаксиз сизнинг юз (суратингизни) ўзгартириб қўяди» («Ат-тарғиб ват- тарҳиб»).

Шакл ўзгаришининг ибтидоси айнан юзнинг нурсиз қилиб қўйилишидир. Чиройли бўлишга қарамасдан юз нурсиз, совуқ кўринади.

Бадназарлик сабабли хаёлда ўша номаҳрам гўзалнинг суврати қайта-қайта пайдо бўлаверади ва натижада қалбда ҳар вақт бир тўлғониш юзага келаверади. Бу иш, табиийки, қалбни заифлаштириб қўяди. Ҳаром назарнинг мусибати шунчалар каттаки, кўзда бошланган беҳаё туғён бошқа бешта ҳис этиш аъзоларида уйғонади ва улар ҳам гуноҳни хоҳлаб жўш ура бошлайди. Қуръони Каримдаги

نَوْعَانِ صَيِّمٍ بَرِيحٍ لَلْاِنَّ

«Албатта, Аллоҳ улар қилаётган ишлардан хабардордир», ояти каримасини **«Рухул маъоний»**да Аллома Олусий қуйидагича тафсир қилганлар: **«Бадназарлик қилувчи кўз қири билан гўзалларга қарайди. Аллоҳ таоло бундан хабардордир. Сўнг унинг барча беш ҳис аъзоси ҳаром лаззат олишга ҳаракат қила бошлайди».**

Кўзнинг бадназарлиги туфайли бошқа ҳис аъзолари ҳам вазифаларидан ҳаромга қараб оғади ва Эгасининг йўлидан чекина бошлайди.

Эшитиш қуввати: қулоқ унинг гапини эшитишни орзу қилади.

Татиб кўриш қуввати: уни тотишни, яъни ҳаром бўса олишни истайди.

Тутиш қуввати: уни ушлашни хоҳлайди. Ҳид билиш қуввати: димоғида ўша гўзалнинг бўйини туйишга орзуманд бўлади.

Мазкур оятнинг яна бир тафсирига кўра, бадназарлик қилувчининг барча

аъзолари ҳаракатга келади. Қўл, оёқ ва бошқа аъзолар ўша гўзалга эришишни истайди. Аллоҳ таоло бадназарлик қилувчиларнинг барча аъзолари ҳаракатларидан хабардордир. Аллоҳ уни кўриб турганидан эса унинг хабари йўқ.

كَلِّدْ ذَبَّانٌ وَوَصِّقْ يَأْمَبُ رِيْبَحٌ هَلَلْ أَوْ

Аллоҳ таоло уларнинг ушбу ҳаракатлари орқали кўзлаган бузуқ мақсадларидан ҳам хабардордир. Ушбу хабардорлик шунчаки билиш эмас, балки унинг замирида жазо бериш ҳукми яширинган. Яъни, оятни тафаккур қилган банда **«Мен сизларнинг ҳаракатларингизни кўриб турибман, агар қайтмасанглар, жазолайман»**, деган ишорани албатта топажак.

Бадназарлик бузуқликнинг биринчи поғонаси бўлса, зинанинг энг тепаси бузуқликка мубталоликдир. Қаерда фарж-авратлар очилса, одам боласи расво бўлади. Шунинг учун Аллоҳ таоло гуноҳнинг биринчи палласига қадам қўйишни ҳаром қилди. Чунки, бадназарлик шундай ўз-ўзидан ҳаракатга келувчи жараёнки, у томон қадам қўйган одам энг охиригина зинага қандай етиб келганини билмай қолади. Ишнинг бошланиши хато бўлса, интиҳоси қандай тўғри бўлсин?! Чунки, бадназар банданинг беш ҳис ва бошқа барча аъзолари гуноҳ қилиш учун ҳаракатга келади, сўнг қалби беҳаё-бузуқ ниятлар ила тўқнашади. Шунга кўра, кўзини ҳаромдан тиймаган банданинг қалби ва жисми машаққатларга йўлиқиб заиф бўлиб қолади.

«Бадназарлик ва зинодан сақланиш» китоби асосида тайёрланди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 июндаги 03-07/4033 рақамли хулосаси асосида тайёрланди.